

**Ўзбекистон Республикаси Олий суди Коррупцияга қарши
курашиш ички назорат гуруҳи томонидан 2025 йил давомида
амалга оширилган ишлар юзасидан
Х И С О Б О Т**

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Кадрлар бошқармасининг Коррупцияга қарши курашиш ички назорат гуруҳи ўз фаолиятини Ўзбекистон Республикасининг **“Судлар тўғрисида”**ги, **“Коррупцияга қарши курашиш тўғрисида”**ги Қонунлари ҳамда ички идоравий ҳужжатларга мувофиқ ташкил этиб, судлар аппаратлари ходимларининг фаолияти **қонунийлик**, фуқаролар **ҳуқуқлари**, **эркинликлари** ва қонуний манфаатларининг устуворлиги, **очиқлик** ва **шаффофлик** ҳамда бошқа асосий принциплар асосида ташкил этилишини таъминлаш билан биргаликда, суд аппарати ходимлари ўртасида **коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш**, уларнинг ҳуқуқий онги ва ҳуқуқий маданиятини юксалтириш ва жамиятда **коррупцияга нисбатан муросасиз муносабатни** шакллантириш ишларини жадал олиб бормоқда.

Жумладан, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Кадрлар бошқармасининг Коррупцияга қарши курашиш ички назорат гуруҳи томонидан Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг 2021 йил 23 декабрдаги РС-72-21-сон қарори билан тасдиқланган низом талабларига мувофиқ **республика судларида 4** та текширув ўтказилди.

Ўтказилган текширувлар давомида **аниқланган ҳолатлар** юзасидан **1** нафар суд аппарати **ходими** билан тузилган **меҳнат шартномаси бекор қилинди. 7** нафар суд аппарати ходимига **“ҳайфсан”** интизомий жазо чораси қўлланилди. Республика судларининг барча ходимлари билан аниқланган камчиликлар такрорланишини олдини олиш мақсадида белгиланган тартибда **профилактик суҳбатлар** ўтказилди.


3 та вилоятда **амалий ёрдам кўрсатиш йўли билан ўрганишлар** ўтказилди. Ўрганиш натижалари юзасидан **1** нафар ходим эгаллаб турган **лавозимидан озод этилди, 5** нафар ходимга **“ҳайфсан”** ҳамда **1** нафар ходимга **“жарима” интизомий жазо чораси** қўлланилди.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди раиси томонидан 2024 йил 28 январда тасдиқланган **судларда коррупциявий ҳолатларнинг олдини олиш** чораларини кучайтириш ҳамда кадрлар салоҳиятини ошириш, меҳнат ва ижро интизомини яхшилаш бўйича комплекс чора-тадбирлар режасига мувофиқ Олий суд ва барча қуйи судларда кадрларни **ишга қабул қилиш жараёнини тубдан ўзгартириш** юзасидан чоралар белгиланиб, судларда

кадрлар захирасини яратиш, танлаш ва ишга қабул қилиш жараёнининг механизми янгитдан ишлаб чиқилган.

Хусусан, республика судлари аппаратларини кадрлар билан таъминлаш ҳамда уларни жой-жойига қўйишда **коррупциявий омилларнинг олдини олиш** мақсадида Ўзбекистон Республикаси Олий суди Раёсатининг тегишли қарори билан Олий суд ва қуйи судларда кадрлар захирасини шакллантириш ва номзодларни ишга қабул қилиш тартиби тўғрисидаги низом янги таҳрирда қабул қилиниб, номзодларни танлаш, саралаш ҳамда лавозимларга тайинлаш **механизмлари такомиллаштирилди**, ҳар бир номзодни Коррупцияга қарши курашиш ички назорат гуруҳи томонидан **комплекс ўрганиш** ва **тайинловларни келишиш** тартиб-таомили **жорий этилди**.

Ушбу тартибга мувофиқ Ички назорат гуруҳи томонидан **ҳисобот даврида** жами **848 нафар** номзод комплекс ўрганилган бўлиб, шундан вилоят ва унга тенглаштирилган судлар раисларининг **83 та** ёки **10** фоиз тақдимномаси **рад қилинди**, **765 та** ёки **90** фоиз тақдимнома бўйича **розилик** берилди.



■ Рад этилган ■ Розилик берилган

Ўтказилиб келинаётган ўрганишлар давомида қуйи судларда етарли даражада ўрганилмаган ҳамда эҳтимолий коррупцияга мойиллиги бўлган номзодларнинг суд тизимида киришининг барвақт олди олинмоқда.

Бундан ташқари, суд тизимида **коррупциянинг олдини олиш** бўйича Олий суд раисининг **коррупцияга қарши курашиш масалаларига бағишланган мурожаати** эълон қилинди;

Олий суд раисининг **“Судларда коррупцияга қарши курашиш тизimini янада такомиллаштириш чора-тадбирлари тўғрисида”**ги буйруғи қабул қилинди;

Давлатимиз Раҳбари томонидан 2025 йил 5 март куни **Коррупцияга қарши курашиш миллий кенгаши йиғилиши**да белгилаб берилган устувор йўналишлардан келиб чиқиб, судларда коррупцияга қарши курашиш йўналишида бир қатор **дастурлар** ва **чора-тадбирлар** режалари қабул қилиниб, ижрога қаратилди:

а) Суд аппарати ходимларини коррупцияга қарши курашиш бўйича ўқитиш дастури;

б) Суд органларида манфаатлар тўқнашуви ва коррупция ҳолатларини барвақт аниқлаш, бартараф этиш ҳамда уларнинг олдини олиш, шунингдек судларда коррупцияга нисбатан тоқатсизлик муҳитини шакллантириш бўйича 2025 йилга мўлжалланган чора-тадбирлар режаси;

в) Судья ва суд аппарати ходимларининг маънавияти ва маданиятини оширишга қаратилган чора-тадбирлар режаси.

Судларда коррупция оқибатларини амалда кўрсатиш орқали **муросасиз муносабатни шакллантириш** мақсадида Қорақалпоғистон Республикаси, вилоятлар ва Тошкент шаҳар судларининг судья ва суд ходимлари учун режа-графикка асосан республика жазони ижро этиш муассасаларига **тарбиявий экскурсиялар** ташкил этилди.

Экскурсия давомида коррупция туфайли озодликдан маҳрум этилган шахслар билан суҳбатлар ўтказилди. **Жиноят оқибатларини визуал тарзда намойиш этиш** орқали судья ва суд ходимларида интизом ва ҳалоллик маданиятини ривожлантиришга эришилди;

Суд органларида **коррупция даражаси диагностикасини** юритиш мақсадида ҳудудлар кесимида **6 мингга** яқин респондентлар ўртасида онлайн **ижтимоий сўров** ўтказилди. Респондентларга **32** та савол берилди.

Сўров иштирокчиларининг қарийб **98 фоизи** суд тизимида фаолият юритувчи судья ва ходимлар **пора талаб қилишганлигига гувоҳ бўлишмаганлигини**, **2 фоизи** бундай ҳолат ҳақида **бошқа шахслардан эшитганлигини**, бироқ ўзлари **гувоҳ бўлишмаганлигини** маълум қилишган;

2025 йил 19 сентябрь куни **Жиззах вилояти**да республика судлари судьялари, ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органлар ходимлари, адвокатлар, олимлар, маҳалла фаоллари, жамоатчилик вакиллари ва бошқа мутахассислар иштирокида **“Коррупцияга қарши курашиш. Таҳлил, муаммо ва ечим”** мавзусида семинар ўтказилди.

Шунингдек, юқори малакали ҳамда етарли билим ва кўникмаларга эга ноизодларни ишга жалб қилиш кадрларни танлаш ва жой-жойига қўйишда коррупциянинг олидини олиш ишларида муҳим ўрин тутишини алоҳида таъкидлаш зарур.

Бу борада суд тизимини олий юридик маълумотга эга бўлган малакали ва **ҳалол-пок кадрлар билан тўлдириш**, уларнинг малакасини мунтазам равишда ошириб бориш ҳамда судларда кадрлар қўнимсизлиги ва **коррупция ҳолатларининг ҳар қандай кўринишига** барҳам бериш мақсадида республикамизнинг юридик кадрларни тайёрловчи олий таълим муассасалари билан **ҳамкорлик дастурлари** олиб борилди.

Олий суд Раёсатининг тегишли қарори билан тасдиқланган Ўзбекистон Республикаси судлари судьяларининг одил судловни амалга оширишдаги ва суд ходимларининг хизмат вазифаларини бажаришдаги фаолияти давомида муайян ҳаракатларни бажариш ёки бажармаслик учун ҳақ (пора) таклиф қилинганлиги тўғрисида **хабар бериш** ва **уни кўриб чиқиш тартиби** ҳам коррупцияга қарши курашиш борасида муҳим ҳужжат бўлиб хизмат қилмоқда. Таъкидлаш жоизки, ушбу тартиб амалда ўз натижаларини бермоқда, **тартибга риоя қилган** ва **ўз хизмат бурчини намунали** адо этган судья ва суд аппарати ходимлари **муносиб рағбатлантирилмоқда**.

Шу билан бирга, Ўзбекистон Республикаси Президентининг 2021 йил 17 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотларининг фаолияти очиклигини таъминлаш, шунингдек, жамоатчилик назоратини самарали амалга оширишга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги ПФ–6247-сон, 2022 йил 14 июндаги “Давлат органлари ва ташкилотлари фаолиятининг очиклик даражасини ошириш ва баҳолаш тизимини жорий этиш чора-тадбирлари тўғрисида”ги ПФ–154-сон Фармонлари ҳамда Олий суд Раисининг 2024 йил 26 июлдаги 8-сон фармойиши ижросини таъминлаш мақсадида Кадрлар бошқармаси Ички назорат гуруҳи томонидан тизимда **коррупцияга қарши курашиш** ҳамда **унинг олдини олиш** борасида амалга оширилаётган ишлар **очиқлигини таъминлаш** бўйича қатор чора-тадбирлар амалга оширилди.

Хусусан, Олий суднинг расмий веб-сайтида **“коррупцияга қарши курашиш”** ойнасига норматив-ҳуқуқий ва ички идоравий ҳужжатлар, амалга оширилаётган ишлар ҳамда тарғибот материаллари, Ички назорат гуруҳининг иш режалари ва ҳисоботлари **жамоатчилик учун эълон қилинди**.

Бундан ташқари **2025 йил** давомида Олий суднинг расмий веб-сайти ҳамда ижтимоий тармоқлардаги расмий саҳифаларида мунтазам равишда эълон қилиб келинган суд органларидаги коррупция ҳолатлари ҳақида хабар беришга мўлжалланган **@suduzbot** Телеграм боти, **(71) 239-01-79** ишонч телефони ҳамда Ўзбекистон Республикаси Олий судининг расмий веб-сайтидаги **махсус платформаси** орқали жами **418** та мурожаат

Коррупцияга қарши курашиш ички назорат гуруҳи томонидан белгиланган тартибда ўрганиб чиқилди.

Маълумот учун: 256 та мурожаат телеграм бот орқали, 154 та мурожаат ишонч телефони орқали, 8 та мурожаат расмий вебсайттаги махсус платформа орқали келиб тушган.

Шундан **415** та (**99** фоиз) мурожаат бўйича кўтарилган масалалар ишчи тартибда ҳал этилиб, фуқароларга тегишли **ҳуқуқий тушунтиришлар берилди**, **3** та (**1** фоиз) мурожаат тааллуқлилиги бўйича кўриб чиқиш ва ҳуқуқий баҳо бериш учун **ҳуқуқни муҳофаза қилувчи органларга** юборилди.

Ҳисобот даврида алоқа каналлари орқали Ички назорат гуруҳига суд аппарати ходимлари томонидан **коррупциявий хатти-ҳаракатлар** содир этилганлиги ҳақида **хабарлар келиб тушмаган**.